

О'zbekiston Respublikasi
Vazirlar Mankamasining
Qarori



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

5 декабря 2018 й.г.

№ 990

Toshkent sh.

**2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати
хавфсизлигини таъминлаш концепциясини амалга ошириш
бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида**

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, ушбу соҳада 2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепцияси билан боғлиқ равишда давлат-хусусий шерикликни жорий этиш учун мақбул шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирlar Maҳkamasini қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Вазирlar Maҳkamasining 2018 йил 19 майдаги 377-сон қарорига мувофиқ 2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепцияси ва уни 2018-2019 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” амалга оширилаётганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича экспериментни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 15 августдаги ПФ-5511-сон Фармони қоидаларининг Тошкент шаҳрида давлат-хусусий шериклик шартларида пуллик автомобиль тўхташ жойлари ва автомототранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойлари ташкил этишга оид қисми ушбу қарор доирасида амалга оширилиши;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари соҳасида давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш соҳасида ишларни ташкил этишнинг илфор хорижий усулларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 27 ноябрдаги ПҚ-4035-сон қарори қоидалари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг инвесторлар ва тадбиркорлик субъектларига:

пуллик магистрал йўллар қуриш бўйича инвестиция мажбуриятлари қабул қилинган ҳолда йўл ва ер участкаларини;

йўл ҳаракати мониторинги ва шахс юзини ва транспорт воситасининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақамини аниқлашнинг интеллектуал видеокамералари (кейинги ўринда интеллектуал видеокамералар деб аталади) интеграциялашган тизимларини жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш учун йўл участкаларини – 10 йилгача бўлган муддатга;

автомобиль йўллари бўйлаб тўлов автоматлари ўрнатилган пуллик автомобиль тўхташ жойларига ва автомотранспорт воситалари жойлаштирилганлиги учун ҳақ тўлаш қоидалари бузилганлигини қайд этадиган ахборот тизимларига эга бўлган пуллик тўхташ жойлари ташкил этиш учун йўл участкаларини – 10 йилгача бўлган муддатга;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфидаги бўлган, шу жумладан, бозорлар ва савдо комплексларига туташ худудларда жойлашган автомотранспорт воситаларини вақтинча саклаш жойларини (кейинги ўринларда автомобиль саклаш жойлари деб аталади) уларнинг негизида автомотранспорт воситалари жойлаштирилганлиги учун ҳақ тўлаш қоидалари бузилганлигини қайд этадиган ахборот тизимларига эга бўлган замонавий пуллик автомобиль саклаш жойлари ташкил этиш учун – 10 йилгача бўлган муддатга;

йўл бўйи инфратузилма обьектлари, шу жумладан, кемпинглар, мотеллар, ҳайдовчи ва йўловчилар дам оладиган, транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиладиган ва таъмирланадиган бошқа жойларни, автомобилларга ёқилги қуиши шоҳобчалари ва бошқаларни қуриш учун инвесторлар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан автомобиль йўллари бўйидаги худудларни ободонлаштириш мажбуриятлари олинган ҳолда ер участкаларини – 10 йилгача бўлган муддатга бериш шаклида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда замонавий йўл инфратузилмасини ташкил этиш соҳасига давлат-хусусий шериклик механизмларини (кейинги ўринларда давлат-хусусий шериклик деб аталади) жорий этиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

3. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва замонавий йўл инфратузилмасини ташкил этиш соҳасига давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

а) давлат-хусусий шериклик доирасида:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича – йўл ҳаракати мониторинги ва интеллектуал видеокамераларнинг интеграциялашган тизимларини жорий этиш лойиҳалари бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тузилади. Ички ишлар вазирлиги давлат томонидан шерик сифатида иш кўради ва хусусий шерик томонидан битим шартлари бажарилиши мониторингини олиб боради;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича – пуллик автомобиль тўхташ жойлари ва автомобиль саклаш жойларини ташкил этиш лойиҳалари бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузилади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари давлат томонидан шерик сифатида иш кўради ва хусусий шерик томонидан битим шартлари бажарилиши мониторингини олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича – инвестор ва/ёки тадбиркорлик субъектлари томонидан автомобиль йўллари бўйидаги худудларни ободонлаштириш мажбуриятлари олинган ҳолда йўл бўйи инфратузилма объектларини куриш лойиҳалари бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузилади. Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси давлат томонидан шерик сифатида иш кўради ва хусусий шерик томонидан битим шартлари бажарилиши мониторингини олиб боради;

б) давлат-хусусий шериклик қўйидаги шартларда амалга оширилади:

йўл ҳаракати мониторинги ва интеллектуал видеокамераларнинг интеграциялашган тизимларини жорий этиш учун бериладиган йўл участкалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади;

йўл ҳаракати мониторинги ва интеллектуал видеокамералар тизими “Хавфсиз шаҳар” ягона аппарат-дастурий комплексга интеграция қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасининг “Маъмурий амалиёт” комплекс автоматлаштирилган ахборот тизимига уланган бўлиши, шунингдек, хукуқбузарликлар ҳолатлари ҳақидаги видеомаълумотлар ва бошқа маълумотлар онлайн режимида узатилишини таъминлаши керак;

пуллик автомобиль тўхташ жойлари ва пуллик автомобиль сақлаш жойларидан фойдаланишдан тушадиган маблағларнинг 30 фоиздан ортиқ бўлмаган қисми – маҳаллий бюджетга тушади ва у мақсадли равишда йўл инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилади ва камида 70 фоизи туташ худуднинг автомототранспорт воситалари билан тўлиши ҳамда тўлов автоматлари ва ахборот тизимлари ўрнатилган автомобиль тўхташ жойларининг функционал имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда хусусий шерикнинг ҳисоб рақамига тушади.

5. Белгилансинки:

а) ўрнатилган интеллектуал видеокамералар ёрдамида аниқланган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарималар суммасининг камида 20 фоизи – Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказилади, 20 фоизи – йўл инфратузилмасини ривожлантиришга мақсадли йўналтирилган ҳолда маҳаллий бюджетга тушади, 30 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига, йўл ҳаракати интенсивлиги ва интеллектуал камераларнинг имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда 30 фоиздан ортиқ бўлмаган қисми – хусусий шерикнинг ҳисоб рақамига ўтказилади;

б) давлат-хусусий шериклик битимининг амал қилиш муддати тамом бўлгандан кейин:

ушбу банднинг “а” кичик бандига мувофиқ хусусий шерикка мўлжалланган жарималар суммаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига қайта йўналтирилиши керак;

йўл ҳаракати мониторинги ва интеллектуал видеокамераларнинг ўрнатилган интеграциялашган тизимлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига берилади, уларга келгусида хусусий шерик томонидан шартнома асосида техник кўмак бериш таъминланади;

куриб битказилган йўл бўйи инфратузилма обьектлари тадбиркорлик субъекти мулкига айланади.

6. Белгилансинки, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари бузилганлиги учун жарималар, шунингдек, пуллик автомобиль тўхташ жойлари ва пуллик автомобиль сақлаш жойларидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш суммасининг фоизи миқдори ҳар бир аниқ ҳолатда танлов комиссиясининг қарори билан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари бузилганлиги учун жарима суммаларидан ажратмалар ушбу қарор талабларига мувофик тегишлилиги бўйича белгиланган тартибда ўз вақтида ўтказилишини таъминласин.

7. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш доирасида инвесторлар 2022 йил 1 январгача бўлган муддатда:

белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, дастурий таъминлаш, қурилиш материаллари ва бошқа материаллар учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йифимларидан ташқари);

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан бажариладиган ишлар (хизматлар) учун қўшилган қиймат солиги тўлашдан озод қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги икки ой муддатда:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан биргаликда йўл ҳаракати мониторинги ва интеллектуал видеокамераларнинг интеграциялашган тизимларидан фойдаланиш бўйича талаблар ҳақидаги техник регламентни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда автомототранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берадиган хайдовчилик гувохномасини олиш бўйича имтиҳонлар топширишга нисбатан кучайтирилган талабларни назарда тутадиган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги билан биргаликда илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда автомобилни бошқариш амалиётига имкон қадар яқинлаштирилган замонавий ўқув автодромлари ҳақидаги намунавий низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг енгил автотранспорт воситалари ойналарига тонировка (қорайтириш) ўрнатиш учун рухсат беришдан олинадиган маблағлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда камида биттадан замонавий ўқув автодроми қуриш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг буюрманомалари бўйича замонавий ўқув автодромларини қуриш учун йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаларининг рўйхатга олиш ва имтиҳон олиш тузилмаларига имкон қадар яқин жойдан камида 1,5 га ер участкалари ажратилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси:

а) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда «Пуллик автомобиль йўллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсан;

б) икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда инвесторлар ва/ёки тадбиркорлик субъектлари томонидан автомобиль йўллари бўйидаги ҳудудларни ободонлаштириш мажбуриятлари олинган ҳолда йўл бўйи инфратузилма объектларини қуриш учун уларга ер участкалари беришнинг вақтинчалик тартибини тасдиқласин;

в) 2019 йил 1 июнгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш дастурларига киритиш учун мамлакатнинг барча ҳудудларида босқичма-босқич пулли магистрал йўлларни жорий этиш бўйича янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳақидаги таклифларни тайёрласин ва белгиланган тартибда киритсан;

г) 2020 йил 1 январдан бошлаб мамлакатнинг барча ҳудудларида давлат-хусусий шериклик доирасида пуллик магистрал йўлларни босқичма-босқич жорий этиш ишлари бошланишини таъминласин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда йўл бўйида пуллик автомобиль тўхташ жойларини ташкил этиш учун йўл участкаларини белгиласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар қабул қилган норматив-хукуқий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирусин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари – «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж.Раматов, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири П.Р.Бобоҷонов ва Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси раиси А.А.Абдувалиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А.Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 5 декабрдаги
990-сон қарорига
илова

**Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва замонавий йўл
инфратузилмасини ташкил этиш соҳасида давлат-хусусий
шерикликни амалга ошириш тартиби тўғрисида
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Вақтинчалик низом Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда замонавий йўл инфратузилмасини ташкил этиш соҳасида давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш тартибини белгилайди.

Ушбу Вақтинчалик низом пуллик магистрал йўллар қуриш соҳасида давлат-хусусий шериклик тартибига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан давлат-хусусий шерикликни амалга оширишнинг бошқа тартиби назарда тутилган ҳолларга нисбатан кўлланилмайди.

2. Ушбу Вақтинчалик низомда қуидаги тушунчалар кўлланилади:

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва замонавий йўл инфратузилмасини ташкил этиш соҳасида давлат-хусусий шериклик (кейинги ўринларда давлат-хусусий шериклик деб аталади) – йўл ҳаракати мониторинг ва интеллектуал видеокамераларнинг интеграциялашган тизимларини жорий этиш ва замонавий йўл инфратузилмасини ташкил этиш бўйича лойихалар доирасида хусусий инвестицияларни жалб қилиш, ресурсларни бирлаштириш ва хавф-хатарни тақсимлаш мақсадида давлат томонидан шерик ва хусусий шерикларнинг муайян муддатга юридик расмийлаштирилган ўзаро фойдали ҳамкорлиги;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим (кейинги ўринларда битим деб аталади) – давлат томонидан шерик ва хусусий шериклар ўртасида тузилган, томонларнинг хуқуqlари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини, хавф-хатар тақсимланишини, шунингдек, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишнинг бошқа шартларини белгиловчи шартнома;

давлат-хусусий шериклик шартномаси томонлари (кейинги ўринларда томонлар деб аталади) – давлат томонидан шерик ва хусусий шериклар;

давлат томонидан шерик – Ўзбекистон Республикаси номидан хусусий шерик билан шартнома тузишга ваколатли давлат органи;

хусусий шерик – шартнома тузилган юридик шахс (инвестор). Бунда, фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобига тўлиқ молиялаштириладиган давлат корхоналари, давлат муассасалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар, шунингдек, нотижорат ташкилотлари хусусий шериклар сифатида иштирок этиши ва/ёки хусусий шериклар томонида иштирок этиши мумкин эмас;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим обьекти (кейинги ўринларда обьект деб аталади) – йўл ҳаракати мониторинги ва интеллектуал видеокамераларнинг интеграциялашган тизими, шунингдек, битим бўйича йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва замонавий инфратузилмани ташкил этиш учун фойдаланилиши мумкин бўлган йўл ёки ер участкалари;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси – давлат томонидан шерик ва хусусий шериклар ўртасида ўзаро манфаатли шароитларда амалга оширилаётган йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва замонавий йўл-транспорт инфратузилмасини ташкил этиш соҳасида инвестициявий, инновацион, инфратузилмавий ва бошқа тадбирлар мажмуи.

3. Лойиҳалар доирасида:

йўл ҳаракати мониторинги ва интеллектуал видеокамераларнинг интеграциялашган тизимларини жорий этиш бўйича – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

пуллик автомобиль тўхташ жойлари ва пуллик автомобиль сақлаш жойларини ташкил этиш соҳасида – тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари;

инвесторлар ва/ёки тадбиркорлик субъектлари томонидан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари бўйидаги худудларни ободонлаштириш мажбуриятлари олинган ҳолда ер участкаларини, йўл бўйи инфратузилма обьектларини қуриш бўйича – Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси давлат томонидан шерик сифатида иш кўради.

4. Давлат-хусусий шериклик қуидаги принципларга асосланади:

давлат манфаатларининг устуворлиги;

қонунийлик;

давлат-хусусий шериклик хақидаги маълумотларнинг очиқлиги ва ошкоралиги, давлат сирини ва қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа сирни ташкил этадиган маълумотлар бундан мустасно;

камситмаслик, битим томонларининг тенглиги;

битим бўйича мажбуриятларнинг томонлар томонидан вижданан бажарилиши;

хавф-хатар ва мажбуриятларнинг битим томонлари ўртасида адолатли тақсимланиши;

давлат-хусусий шериклик томонлари ўзаро муносабатларининг рақобатга ва шартномага асосланганлиги.

5. Давлат-хусусий шериклик хусусий шерикларга:

йўл ҳаракати мониторинги ҳамда шахснинг юзини ва транспорт воситасининг давлат рўйхатдан ўтказиш рақамини аниқлашнинг интеллектуал видеокамералари (кейинги ўринларда интеллектуал видеокамералар деб аталади) интеграциялашган тизимларини жорий этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун йўл участкаларини – 10 йил муддатга;

автомобиль йўллари бўйлаб тўлов автоматлари ўрнатилган автомобиль тўхташ жойлари ва автомотранспорт воситалари жойлаштирилганлиги учун ҳақ тўлаш қоидалари бузилганлигини қайд этадиган ахборот тизимларига эга бўлган пуллик автомобиль тўхташ жойлари ташкил этиш учун йўл участкаларини – 10 йилгача бўлган муддатга;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфида бўлган, шу жумладан, бозорлар ва савдо комплексларига туташ худудларда жойлашган автомототранспорт воситаларини вақтингча сақлаш жойларини (кейинги ўринларда автомобиль сақлаш жойлари деб аталади) уларнинг негизида автомототранспорт воситалари жойлаштирилганлиги учун ҳақ тўлаш қоидалари бузилганлигини қайд этадиган ахборот тизимларига эга бўлган пуллик тўхташ жойлари ташкил этиш учун – 10 йилгача бўлган муддатга;

йўл бўйи инфратузилма объектлари, шу жумладан, кемпинглар, мотеллар, ҳайдовчи ва йўловчилар дам оладиган, транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиладиган ва таъмиранадиган бошқа жойларни, ёқилғи қуиши жойлари ва бошқаларни куриш учун инвесторлар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан автомобиль йўллари бўйидаги худудларни ободонлаштириш мажбуриятлари олинган ҳолда ер участкаларини – 10 йилгача бўлган муддатга бериш шаклида давлат-хусусий шериклик механизмларини (кейинги ўринларда давлат-хусусий шериклик деб аталади) жорий этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

6. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаси ташаббуси давлат томонидан ёки хусусий шерик томонидан чиқиши мумкин.

7. Давлат-хусусий шериклик танловга асосланади.

Танлов ўтказиш учун давлат томонидан шерик хузурида Танлов комиссияси ташкил этилади, унинг таркибига:

йўл ҳаракати мониторинги ва интеллектуал видеокамераларининг интеграциялашган тизимларини жорий этиш соҳасидаги лойиҳалар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Молия вазирлиги хузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги, шунингдек, тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари вакиллари;

автомобиль йўллари бўйлаб тўлов автоматлари ўрнатилган пуллик автомобиль тўхташ жойларини ташкил этиш, шунингдек, автомототранспорт воситалари жойлаштирилганлиги учун ҳақ тўлаш қоидалари бузилганлигини қайд этувчи ахборот тизимлари ўрнатилган замонавий пуллик автомобиль сақлаш жойлари қуриш соҳасидаги лойиҳалар бўйича – тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Молия вазирлиги хузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги вакиллари;

автомобиль йўллари бўйидаги худудларни ободонлаштириш бўйича мажбуриятлар қабул қилинган ҳолда йўл бўйи инфратузилма объектлари куриш соҳасидаги лойиҳалар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Курилиш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Молия вазирлиги хузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги, шунингдек, тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари вакиллари киради.

8. Танлов комиссияси аъзолари сони тоқ бўлиши ва камида етти кишидан иборат бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг вакили Танлов комиссияси таркибида маслаҳат овози билан қатнашади.

9. Танлов комиссияси, агар мажлисда Танлов комиссия аъзолари умумий сонининг камида етмиш беш фоизи қатнашса, карор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади, Танлов комиссиясининг ҳар бир аъзоси фақат битта овозга эга бўлади.

Танлов комиссиясининг қарорлари Танлов комиссиясининг овоз берган аъзолари умумий сонининг оддий кўпчилиги томонидан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Танлов комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади. Танлов комиссиясининг қарорлари баённомалар билан расмийлаштирилади ва уни Танлов комиссиясининг барча аъзолари имзолайдилар.

10. Қуйидагилар:

йўл ҳаракати мониторинги ва интеллектуал видеокамераларининг интеграциялашган тизимларини жорий этиш соҳасидаги лойихалар бўйича – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари;

автомобиль йўллари бўйлаб тўлов автоматлари ўрнатилган пуллик автомобиль тўхташ жойларини ташкил этиш, шунингдек, автомототранспорт воситалари жойлаштирилганлиги учун ҳақ тўлаш қоидалари бузилганлигини қайд этувчи ахборот тизимлари ўрнатилган замонавий пуллик автомобиль сақлаш жойлари қуриш соҳасидаги лойихалар бўйича – тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосарлари;

автомобиль йўллари бўйидаги худудларни ободонлаштириш бўйича мажбуриятлар қабул қилинган ҳолда йўл бўйи инфратузилма объектлари қуриш соҳасидаги лойихалар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси раисининг ўринбосари Танлов комиссиясининг раиси ҳисобланади.

11. Танлов комиссияси фаолиятини ташкил этиш тартиби, унинг таркиби, Танлов комиссияси аъзоларига қўйиладиган талаблар Танлов комиссиясининг Регламентида белгиланади.

Танлов комиссияси иши регламенти унинг раиси томонидан тасдиқланади.

12. Хусусий шерикнинг аризаси Танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари микдорида йигим ундирилади ва у давлат томонидан шерикнинг маҳсус бюджетдан ташқари ҳисоб рақамига ўтказилади.

2-боб. Битим томонларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

13. Хусусий шерик:

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси ташабbusи тўғрисидаги таклифни кўриб чиқиш учун давлат томонидан шерикка тақдим этиш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун зарур ахборотни давлат томонидан шерикдан олиш;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим шартларини ўзгартириш тўғрисида таклифлар киритиш;

битим шартлари давлат томонидан шерик томонидан бузилган тақдирда битимни суд тартибида бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Хусусий шерик қонун хужжатларига ва битимга мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14. Хусусий шерик:

битим ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига қатъий риоя қилиши шарт;

қонун хужжатларида ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Хусусий шерик унга давлат-хусусий шериклик шартларida берилган йўл ёки ер участкаларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларга бериш хукуқига эга эмас.

Хусусий шерик қонун хужжатларига ва битимга мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Давлат томонидан шерик:

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тайёрлаш учун ташки маслаҳатчilarни жалб этиш;

битим шартлари бажарилиши тўғрисидаги ҳисботни хусусий шерикдан хар чораклик асосида олиш;

битим шартлари бажарилиши мониторингини олиб бориш ва давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга оширилишини баҳолаш;

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига ва битим шартларига риоя этиш мониторингини олиб бориш доирасида аникланган қоида бузишлар бартараф этилишини талаб қилиш;

хусусий шерикнинг айби билан юзага келган объект бўйича заарлар қопланишини талаб қилиш;

битим шартлари хусусий шерик томонидан бузилган тақдирда битимни суд тартибида бекор қилишни талаб қилиш хукуқига эгадир.

Давлат томонидан шерик қонун хужжатларига ва битимга мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16. Давлат томонидан шерик:

танлов ўтказиш билан боғлиқ хужжатларни танлов иштирокчilariiga тақдим этишга, танлов хужжатлари қоидаларини уларга тушунишишга;

унинг негизида давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланаётган жой ва объект билан танишиш учун танлов иштирокчilariiga зарур шарт-шароитларни таъминлашга;

агар бу давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган бўлса, фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган мол-мулкни эгалик қилиш ва фойдаланиш учун хусусий шерикка беришга;

хусусий шерикнинг хўжалик фаолиятига аралашмасликка мажбурдир.

Давлат томонидан шерик қонун хужжатларига ва битимга мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

17. Давлат томонидан шерик ва хусусий шерик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги билан қонун хужжатларида белгиланган тартибида ўзаро ҳамкорлик қиладилар.

3-боб. Йўл ҳаракати мониторинги ва интеллектуал видеокамераларнинг интеграциялашган тизимларини жорий этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш

18. Йўл ҳаракати мониторинги ва интеллектуал видеокамераларнинг интеграциялашган тизимларини жорий этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш ушбу Вақтинчалик низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

19. Йўл ҳаракати мониторинги ва интеллектуал видеокамераларнинг интеграциялашган тизимларини жорий этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун йўл участкалари рўйхати (кейинги ўринларда рўйхат деб аталади) тегишли равища Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан олдиндан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади ва ҳар чоракда янгиланади.

Рўйхатда:

йўл ҳаракати мониторинги ва интеллектуал видеокамераларнинг интеграциялашган тизимларини жорий этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш мўлжалланаётган йўл участкаси тўғрисидаги маълумотлар;

тегишли йўл участкасида ўрнатиш учун йўл ҳаракати мониторинги ва интеллектуал видеокамералар интеграциялашган тизимларининг зарур сони;

йўл ҳаракати мониторинги ва интеллектуал видеокамераларнинг интеграциялашган тизимларига, шунингдек, уларни ўрнатишга ва дастурий таъминлашга қўйиладиган талаблар;

йўл участкаси хусусиятлари (ҳаракатларнинг интенсивлиги, инфратузилма ва шу кабилар) ҳисобга олинган ҳолда йўл ҳаракати мониторинги ва интеллектуал видеокамераларнинг интеграциялашган тизимларини жорий этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги рўйхатни вазирлик ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг расмий веб-сайтларида, маҳаллий оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, "Постда" ва "На посту" газеталарида мажбурий тартибда жойлаштиради.

20. Давлат-хусусий шериклик шартларида йўл ҳаракати мониторинги ва интеллектуал видеокамераларнинг интеграциялашган тизимларини жорий этиш бўйича лойиҳада иштирок этиш хоҳишини билдирган юридик шахс (инвестор ва/ёки тадбиркорлик субъекти) Танлов комиссиясига ариза беради. Аризага қуидагилар илова қилинади:

давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг ёки тегишли давлат органи томонидан берилган юридик шахс жойлашган жойдаги мамлакатда расман рўйхатдан ўтказилганликни тасдиқлайдиган бошқа хужжатнинг нусхаси;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ариза берувчида молиявий имкониятлар мавжудлигини тасдиқлайдиган хусусий шерикда соф активлар тўғрисидаги маълумотлар;

инвестиция лойиҳаси;

инвестиция лойиҳасининг дастлабки техник-иктисодий кўрсаткичлари;

ариза берувчининг аризаси Танлов комиссиясида кўриб чиқилиши учун ариза берувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маҳсус ҳисоб рақамига йиғим тўланганлигини тасдиқлайдиган хужжат.

21. Рўйхатда кўрсатилган йўл ҳаракати мониторинги ва интеллектуал видеокамераларнинг интеграциялашган тизимларини жорий этиш бўйича лойиҳани амалга ошириш тўғрисида ариза тушиши хусусий ташаббус ва танлов ўтказиш учун асос ҳисобланади.

Ариза Танлов комиссияси томонидан у тушган қундан бошлаб ўн кун мобайнида кўриб чиқилади.

Аризани кўриб чиқиш якунлари бўйича Танлов комиссияси қуидаги қарорлардан бирини қабул қиласди:

танлов эълон қилиш тўғрисида;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишни рад этиш тўғрисида;

талаблар бузилишини бартараф этиш учун аризани қайтариш тўғрисида.

22. Тушган ариза кўриб чиқилгандан кейин Танлов комиссияси танлов эълон қиласди.

23. Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда қуидаги маълумотлар мавжуд бўлиши керак:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг танлов ўтказиш учун масъул бўлган бўлинмасининг номи ва юридик манзили, алоқа қилинадиган телефон ва электрон почта манзили;

объектнинг номи, жойлашган жойи, сони, тавсифи;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш шартлари;

талаб этиладиган инвестиция мажбуриятларининг минимал ҳажми;

танлов ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

танлов таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати (кун ва соат кўрсатилган ҳолда).

24. Танловда иштирок этиш учун юридик шахс (инвестор ва/ёки тадбиркорлик субъекти) ушбу Вактинчалик низомнинг 20-бандида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этади.

Танлов иштирокчиси қуидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорликлика эга бўлмаслиги;

манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган давлат томонидан шерикка нисбатан бевосита ёки билвосита муносабатда бўлмаслиги.

Қайта ташкил этиш, тугатиш ва/ёки банкротлик босқичида турган, шунингдек, мол-мулки хатлов қилинган талабгорларнинг танловда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

25. Танлов таклифи давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун энг мақбул деб эътироф этилган иштирокчи танлов ғолиби деб эътироф этилади.

Танлов якунлари бўйича таклифининг параметрлари танлов шартларига мувофиқ бўлган, бироқ танлов ҳужжатларига мувофиқ ғолиб томонидан таклиф этилган параметрлар даражасидан паст бўлган захирадаги ғолиб аниқланади.

Танлов ғолиби ушбу Вактинчалик низомнинг 31-бандида назарда тутилган муддатларда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни имзолашни рад этган

тақдирда битим захирадаги ғолиб билан тузилади.

26. Қуйидаги асослар бўйича давлат-хусусий шериклик лойихасини амалга ошириш рад этилиши мумкин:

лоиха йўл ҳаракати мониторинги ва интеллектуал видеокамералар тизими ташкил этилишини ёки “Хавфсиз шаҳар” ягона аппарат-дастурний комплексга интеграция қилинишини ва у Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасининг “Маъмурий амалиёт” комплекс автоматлаштирилган ахборот тизимига уланишини назарда тутмайди;

йўл ҳаракати мониторинги ва интеллектуал видеокамералар тизими йўл ҳаракати мониторинги ва интеллектуал видеокамераларнинг интеграциялашган тизимларидан фойдаланишга кўйилайдиган талаблар тўғрисидаги техник регламентга мувофиқ эмас;

йўл ҳаракати мониторинги ва интеллектуал видеокамераларнинг интеграциялашган тизимларини жорий этиш учун таклиф этилаётган йўл участкаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатга кирмайди;

таклиф этилаётган йўл участкасида лойиҳани амалга оширишнинг техник имкониятлари мавжуд эмаслиги;

агар таклиф этилаётган йўл участкасида давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш бўйича танлов ўтказилган, унинг якунлари бўйича хусусий шерик билан йўл ҳаракати мониторинги ва интеллектуал видеокамераларнинг интеграциялашган тизимларини жорий этиш бўйича битим имзоланган бўлса.

27. Ушбу Вақтинчалик низом талаблари бузилган ҳолда ариза берилган тақдирда хужжатлар ариза берувчига бир иш куни мобайнида қайтарилади.

Тақдим этилган аризада аниқланган талаблар бузилиши тўғрисидаги билдиришнома ариза берувчига ёзма шаклда, шу жумладан, аниқланган қоида бузилишлар, қонун хужжатларининг аниқ нормалари ва ариза берувчи кўрсатиб ўтилган қоида бузилишларини бартараф этиб хужжатларни тақроран кўриб чиқиши учун Танлов комиссиясига тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда бутунжаҳон Интернет тармоғи орқали электрон шаклда топширилади (юборилади).

Ариза берувчи қоида бузилишларини бартараф этиб ва тақроран кўриб чиқиши учун хужжатларни тақдим этишга ҳақли бўлган муддат ёзма ёки электрон билдиришнома олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Тақроран берилган хужжатлар ариза тақроран берилган кунда қабул қилинган деб ҳисобланади. Ариза тақроран кўриб чиқилгандиги учун йигим ундирилмайди.

28. Танловнинг фақат бир нафар иштирокчисидан ариза тушган тақдирда танлов ўтказилмайди, қарор эса иштирокчининг аризасини ва аризага илова қилинадиган хужжатларни ўрганиш якунлари бўйича танлов тўғрисида эълон берилган пайтдан бошлаб ўттиз кунлик муддат тамом бўлгандан кейин беш иш куни мобайнида қабул қилинади. Қарор ариза берувчининг таклифи танлов талабларига мувофиқлигидан келиб чиқиб қабул қилинади.

29. Танлов комиссияси танлов якунлари тўғрисида қарор қабул қилинган кунда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг расмий веб-сайтида ахборотни жойлаштириш йўли билан танлов иштирокчиларини унинг натижаларидан хабардор қилиши шарт.

30. Танлов иштирокчиси қабул қилинган қарордан норози бўлган тақдирда қарор устидан судга шикоят қилиш хукуқига эга.

31. Танлов комиссиясининг ижобий қарори асосида у қабул қилинган кундан бошлаб йигирма кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва хусусий шерик қонун ҳужжатлари ва ушбу Вақтинчалик низом талабларига риоя қилган ҳолда битим тузадилар.

32. Битим уни амалга ошириш шаклига боғлиқ равишда қуидагиларни ўз ичига олиши керак:

объект ва хусусий инвестициялар ҳажми;

битимнинг амал қилиши муддати ва шартлари;

битим объектини фойдаланишга топшириш муддатлари;

томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари;

лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш, пудрат ишларига шартномалар тузиш муддатлари, молиялаштириш манбалари, лойихани амалга ошириш жадваллари, лойиха амалга оширилиши устидан техник назорат қилиш ва мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;

давлат-хусусий шериклик лойихаси амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва ҳолатини назорат қилиш тартиби;

давлат-хусусий шериклик лойихасини амалга ошириш жараёнида бериладиган объектлар сифатига қўйиладиган талаблар;

хусусий шерик томонидан унинг мажбуриятлари бажарилиши тўғрисида ҳисботлар тақдим этилиши тартиби ва муддатлари;

битим томонлари ўртасида битимнинг бажарилиши билан боғлиқ хавф-хатарни тақсимлаш тартиби ва шартлари;

битим объектини лойихалаштириш, жиҳозлаш, куриш, фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, модернизация қилиш тартиби;

битимнинг амал қилиши тўхтатилгандан кейин объектга бўлган хукуқларни ва битимни ижро этиш жараёнида яратилган бошқа мол-мulkни тақсимлаш хукуқи;

битим шартларига риоя этилмаганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби;

битимни бекор қилиш тартиби, шунингдек, битим муддатидан олдин бекор қилиниши натижасида зарар етказилганлиги учун компенсация тўлаш ва заарларни қоплаш тартиби;

хусусий шерик томонидан мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки зарур тарзда бажарилмаганлиги учун жарималар;

битимни амалга оширишда юзага келадиган низоларни ҳал қилиш тартиби.

Битимда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шартлар ҳам бўлиши мумкин.

33. Битимни имзолашга тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги танлов тугалланган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида хусусий шерикка битим лойихаси матнини тақдим этади.

34. Зарурат бўлганда, битим қоидаларини келишиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан хусусий шериклар ўртасида музокаралар ўтказилади.

35. Битим Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва хусусий шерик ўртасида томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада имзоланади.

Битим томонлар уни имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва унинг муддати тамом бўлгунгача ёки бекор қилгунгача амал қиласди.

36. Битимга ўзгартириш ва қўшимчалар қуидаги ҳолларда киритилиши мумкин:

томонларнинг ўзаро розилиги билан;

томонларнинг шартномавий муносабатлари юзасидан йўл ҳаракати хавфсизлигини тартибга солиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг талаби билан;

суднинг қарори билан.

37. Битим қуидаги ҳолларда бекор қилинади:

томонларнинг ўзаро розилиги билан;

хусусий шерик банкрот бўлган ва/ёки тугатилган тақдирда;

хусусий шерик томонидан ўз мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг талаби билан;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ўз мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда – хусусий шерикнинг талаби билан.

Ушбу банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда битим суд тартибида бекор қилинади.

38. Битим унинг амал қилиш муддати тамом бўлгач тўхтатилади.

Битимнинг амал қилиш муддатининг тамом бўлиши томонларни унинг шартлари бузилганлиги учун жавобгарликдан озод қилмайди.

39. Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар тушмаган тақдирда танлов такроран эълон қилиниши мумкин.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, тегишли равища Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишув бўйича танлов талаблари ва шартларини қайта кўриб чиқишига ҳақлидир.

4-боб. Пуллик тўхташ жойлари ва пуллик автомобилларни сақлаш жойларини ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш

40. Пуллик автомобиль тўхташ жойлари ва пуллик автомобиль сақлаш жойларини ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш ушбу Вактинчалик низомга 2-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

41. Пуллик тўхташ жойлари ва пуллик автомобиль сақлаш жойларини ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш учун йўл участкалари рўйхати (кейинги ўринларда рўйхат деб аталади) олдиндан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Автомобиль йўллар давлат қўмитасининг розилиги бўйича тегишли равища Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент

шахар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади.

Рўйхатда:

пуллик автомобиль тўхташ жойлари ва пуллик автомобиль сақлаш жойларини ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш мўлжалланаётган йўл участкаси тўғрисидаги маълумотлар;

тегишли йўл участкасида пуллик автомобиль тўхташ жойлари, шунингдек, пуллик автомобиль сақлаш жойларининг зарур сони;

пуллик автомобиль тўхташ жойларига, шунингдек, пуллик автомобиль сақлаш жойларига қўйиладиган талаблар;

йўл участкасининг хусусиятлари (ҳаракат интенсивлиги, инфратузилма ва шу кабилар) ҳисобга олинган ҳолда пуллик автомобиль тўхташ жойлари ва пуллик автомобиль сақлаш жойларини ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар ҳокимликлари пуллик автомобиль тўхташ жойлари ва пуллик автомобиль сақлаш жойларини ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш учун йўл участкалари рўйхатини ўзларининг расмий веб-сайтида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридан Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида мажбурий тартибда жойлаштирадилар.

42. Давлат-хусусий шериклик шартларида пуллик автомобиль тўхташ жойлари ва пуллик автомобиль сақлаш жойларини ташкил этиш бўйича лойиҳани амалга оширишда иштирок этиш хоҳишини билдирган юридик шахс (инвестор ва/ёки тадбиркорлик субъекти) Танлов комиссиясига ариза беради. Аризага қуидагилар илова қилинади:

давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг ёки тегишли давлат органи томонидан берилган юридик шахс жойлашган жойдаги мамлакатда расман рўйхатдан ўтказилганликни тасдиқлайдиган бошқа хужжатнинг нусхаси;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ариза берувчида молиявий имкониятлар мавжудлигини тасдиқлайдиган хусусий шерикда соф активлар тўғрисидаги маълумотлар;

инвестиция лойиҳаси;

инвестиция лойиҳасининг дастлабки техник-иктисодий кўрсаткичлари;

ариза берувчининг аризаси Танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилганлиги учун ариза берувчи томонидан белгиланган тартибда йифим тўланганлигини тасдиқлайдиган хужжат.

43. Рўйхатда кўрсатилган пуллик автомобиль тўхташ жойлари ва пуллик автомобиль сақлаш жойларини ташкил этиш бўйича лойиҳани амалга ошириш тўғрисида ариза тушиши хусусий ташабbus ва танлов ўтказиш учун асос ҳисобланади.

Ариза Танлов комиссияси томонидан у тушган кундан бошлаб ўн кун мобайнида кўриб чиқилади.

Аризани кўриб чиқиши якунлари бўйича Танлов комиссияси қуидаги қарорлардан бирини қабул қиласи:

танлов эълон қилиш тўғрисида;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишни рад этиш тўғрисида;

аниқланган белгиланган талаблар бузилишини бартараф этиш учун аризани қайтариш тўғрисида.

44. Танлов комиссияси ариза кўриб чиқилгандан кейин танлов эълон қилади.

45. Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда қуйидаги маълумотлар мавжуд бўлиши керак:

давлат томонидан шерикнинг номи ва юридик манзили, алоқа қилинадиган телефон ва электрон почта манзили;

объектнинг номи, жойлашган жойи, сони, тавсифи;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш шартлари;

талаб этиладиган инвестиция мажбуриятларининг минимал хажми;

танлов ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

танлов таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати (кун ва соат кўрсатилган ҳолда).

46. Танловда иштирок этиш учун юридик шахс (инвестор ва/ёки тадбиркорлик субъекти) ушбу Вақтинчалик низомнинг 42-бандида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этади.

47. Танлов иштирокчиси қуйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорликлика эга бўлмаслиги;

манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган давлат томонидан шерикка нисбатан бевосита ёки билвосита муносабатда бўлмаслиги.

Қайта ташкил этиш, тугатиш ва/ёки банкротлик босқичида турган, шунингдек, мол-мулки хатлов қилинган талабгорларнинг танловда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

48. Танлов таклифи давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун энг мақбул деб эътироф этилган иштирокчи танлов ғолиби деб эътироф этилади.

Танлов якунлари бўйича таклифининг параметрлари танлов шартларига мувофиқ бўлган, бироқ танлов ҳужжатларига мувофиқ ғолиб томонидан таклиф этилган параметрлар даражасидан паст бўлган захирадаги ғолиб аниқланади.

Танлов ғолиби ушбу Вақтинчалик низомнинг 54-бандида назарда тутилган муддатларда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни имзолашни рад этган тақдирда битим захирадаги ғолиб билан тузилади.

49. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаси қуйидаги асосларга кўра рад этилиши мумкин:

ложиҳа пуллик автомобиль тўхташ жойлари ва пуллик автомобиль саклаш жойларини ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланган умумий талабларга мувофиқ эмас;

лойиха тўлов автоматлари ва автомототранспорт воситаларини жойлаштирилганлиги учун ҳақ тўлаш қоидалари бузилганлигини қайд этувчи ахборот тизимлари ўрнатилишини назарда тутмайди, ёхуд таклиф этилаётган ахборот тизимлари белгиланган регламентларга ёки стандартларга мувофиқ эмас;

лойиха пуллик автомобиль тўхташ жойларидан ва пуллик автомобиль сақлаш жойларидан фойдаланишдан тушган тушумлар суммасини тақсимлашнинг белгиланган тартибига, шунингдек, лойиҳани амалга ошириш муддатига мувофиқ эмас;

таклиф этилаётган йўл участкасида лойиҳани амалга оширишнинг техник имкониятлари мавжуд эмаслиги;

агар таклиф этилаётган йўл участкасида давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш бўйича танлов ўtkазилган, унинг якунлари бўйича хусусий шерик билан пуллик автомобиль тўхташ жойлари ва пуллик автомобиль сақлаш жойларини ташкил этиш лойиҳа(лари)ни амалга ошириш бўйича битим имзолangan бўлса.

50. Ушбу Вақтинчалик низом талаблари бузилган ҳолда ариза берилган тақдирда хужжатлар ариза берувчига бир иш куни мобайнида қайтарилади.

Тақдим этилган аризада аниқланган талаблар бузилиши тўғрисидаги билдиришнома ариза берувчига ёзма шаклда, шу жумладан, аниқланган қоида бузилишлар, қонун хужжатларининг аниқ нормалари ва ариза берувчи кўрсатиб ўтилган қоида бузилишларини бартараф этиб хужжатларни тақороран кўриб чиқиш учун Танлов комиссиясига тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда бутунжаон Интернет тармоғи орқали топширилади (юборилади).

Ариза берувчи қоида бузилишларни бартараф этиб ва тақороран кўриб чиқиш учун хужжатларни тақдим этишга ҳақли бўлган муддат ёзма ёки электрон билдиришнома олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Тақороран берилган хужжатлар ариза тақороран берилган кунда қабул қилинган деб ҳисобланади. Ариза тақороран кўриб чиқилганлиги учун йифим ундирилмайди.

51. Танловнинг фақат бир нафар иштирокчисидан ариза тушган тақдирда танлов ўтказилмайди, қарор эса иштирокчининг аризасини ва аризага илова қилинадиган хужжатларни ўрганиш якунлари бўйича танлов тўғрисида эълон берилган пайтдан бошлаб ўттиз кунлик муддат тамом бўлгандан кейин беш иш куни мобайнида қабул қилинади. Қарор ариза берувчининг таклифи танлов талабларига мувофиқлигидан келиб чиқиб қабул қилинади.

52. Танлов комиссияси танлов якунлари тўғрисида қарор қабул қилинган кунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликларининг расмий веб-сайтларида, шунингдек, маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ахборотни жойлаштириш йўли билан танлов иштирокчиларини унинг натижаларидан хабардор қилиши шарт.

53. Танлов иштирокчиси қабул қилинган қарордан норози бўлган тақдирда қарор устидан судга шикоят қилиш хуқуқига эга.

54. Танлов комиссиясининг ижобий қарори асосида у қабул қилинган кундан бошлаб йигирма кун мобайнида давлат томонидан шерик ва хусусий шерик қонун хужжатлари ва ушбу Вақтинчалик низом талабларига риоя қилган ҳолда битим тузадилар.

55. Битим давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш шаклларига боғлиқ рационалдагиларни ўз ичига олиши керак:

объект ва хусусий инвестициялар ҳажми;

битимнинг амал қилиши муддати ва шартлари;

битим объектини фойдаланишга топшириш муддатлари;

томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш, пурдат ишларига шартномалар тузиш муддатлари, молиялаштириш манбалари, лойихани амалга ошириш жадваллари, лойиха амалга оширилиши устидан техник назорат қилиш ва мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;

давлат-хусусий шериклик лойихаси амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва ҳолатини назорат қилиш тартиби;

давлат-хусусий шериклик лойихасини амалга ошириш жараёнида бериладиган обьектлар сифатига қўйиладиган талаблар;

хусусий шерик томонидан унинг мажбуриятлари бажарилиши тўғрисида ҳисботлар тақдим этилиши тартиби ва муддатлари;

давлат томонидан шерик ва хусусий шерик ўртасида битимнинг бажарилиши билан боғлиқ хавф-хатарни тақсимлаш тартиби ва шартлари;

давлат-хусусий шериклик лойихасини амалга ошириш учун давлат томонидан шерик томонидан хусусий шерикка берилаётган йўл ва (ёки) йўл бўйи участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби;

битим объектини лойихалаштириш, қуриш, фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, модернизация қилиш тартиби;

битимнинг амал қилиши тўхтатилгандан кейин обьектга бўлган ҳуқуқларни ва битимни ижро этиш жараёнида яратилган бошқа мол-мулкни тақсимлаш ҳуқуқи;

битим шартларига риоя этилмаганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби;

битимни бекор қилиш тартиби, шунингдек, битим муддатидан олдин бекор қилиниши натижасида зарар етказилганлиги учун компенсация тўлаш ёки зарарларни қоплаш тартиби;

хусусий шерик томонидан мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки зарур тарзда бажарилмаганлиги учун жарималар;

битимни амалга оширишда юзага келадиган низоларни ҳал қилиш тартиби.

Битимда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шартлар ҳам бўлиши мумкин.

56. Битимни имзолашга тайёрлаш учун давлат томонидан шерик танлов тугалланган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида хусусий шерикка битим лойихаси матнини тақдим этади.

57. Зарурат бўлганда, битим қоидаларини келишиш мақсадида давлат томонидан шерик билан хусусий шериклар ўртасида музокаралар ўтказилади.

58. Битим давлат томонидан шерик ва хусусий шерик ўртасида томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхадан имзоланади.

Битим томонлар уни имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва унинг муддати тамом бўлгунгача ёки бекор қилгунгача амал қиласди.

59. Битимга ўзгартириш ва қўшимчалар қўйидаги ҳолларда киритилиши мумкин:

тomonларнинг ўзаро розилиги билан;

тomonларнинг шартномавий муносабатлари юзасидан йўл ҳаракати хавфсизлигини тартибга солиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан давлат томонидан шерикнинг талаби билан;

суднинг қарори билан.

60. Битим қўйидаги ҳолларда бекор қилинади:

тomonларнинг ўзаро розилиги билан;

хусусий шерик банкрот бўлган ва/ёки тугатилган тақдирда;

хусусий шерик томонидан ўз мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда – давлат томонидан шерикнинг талаби билан;

давлат томонидан шерик томонидан ўз мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда – хусусий шерикнинг талаби билан.

Ушбу банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда битим суд тартибида бекор қилинади.

61. Битим унинг амал қилиш муддати тамом бўлгач тўхтатилади.

Битимнинг амал қилиш муддатининг тамом бўлиши томонларни унинг шартлари бузилганлиги учун жавобгарликдан озод қилмайди.

62. Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар тушмаган тақдирда танлов такроран эълон қилиниши мумкин.

Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси билан келишган ҳолда танлов талаблари ва шартларини қайта кўриб чиқишига ҳақлидир.

5-боб. Юридик шахс (инвестор ва/ёки тадбиркорлик субъекти) томонидан умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари бўйидаги ҳудудларни ободонлаштириш бўйича мажбуриятлар қабул қилинган ҳолда йўл бўйи инфратузилмаси объектларини қуриш лойиҳаларини амалга ошириш

63. Инвестор ва/ёки тадбиркорлик субъектлари томонидан умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари бўйидаги ҳудудларни ободонлаштириш бўйича мажбуриятлар қабул қилинган ҳолда йўл бўйи инфратузилма объектларини қуриш лойиҳаларини амалга ошириш ушбу Вактинчалик низомга З-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

64. Тадбиркорлик субъектлари томонидан умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари бўйидаги ҳудудларни ободонлаштириш бўйича мажбуриятлар қабул қилинган ҳолда йўл бўйи инфратузилма объектлари қуриш лойиҳаларини амалга ошириш учун йўл участкалари рўйхати (кейинги ўринларда рўйхат деб аталади) олдиндан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Рўйхатда:

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари бўйидаги ҳудудларни ободонлаштириш бўйича инвесторлар ва/ёки тадбиркорлик субъектлари томонидан мажбуриятлар қабул қилинган ҳолда йўл бўйи инфратузилма объектлари қуриш лойиҳаларини амалга ошириш мўлжалланаётган йўл участкаси тўгрисидаги маълумотлар;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ҳудудларини ободонлаштириш бўйича инвесторлар ва/ёки тадбиркорлик субъектларининг мажбуриятлари;

йўл бўйи инфратузилма объектларига қўйиладиган талаблар;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари бўйидаги ҳудудларни ободонлаштириш бўйича инвесторлар ва/ёки тадбиркорлик субъектлари томонидан мажбуриятлар қабул қилинган ҳолда йўл бўйи инфратузилмаси объектларини қуриш лойиҳаларини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар.

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси йўл бўйи инфратузилма объектларини қуриш лойиҳаларини амалга ошириш учун умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари бўйидаги ҳудудларни ободонлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш учун йўл участкалари рўйхатини қўмитанинг ўзининг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг расмий веб-сайтларида, шунингдек, маҳаллий оммавий ахборот воситаларида мажбурий тартибда жойлаштиради.

65. Йўл бўйи инфратузилма объектларини, хусусан, кемпинглар, мотеллар ва ҳайдовчилар ва йўловчилар дам оладиган, техник хизмат қўрсатиладиган ва транспорт воситалари таъмирланадиган, автомобилларга ёқилғи қўйиши шохобчаларини ва шу кабиларни қуриш лойиҳасини амалга оширишда иштирок этиш хоҳишини билдирган юридик шахс (инвестор ва/ёки тадбиркорлик субъекти) давлат-хусусий шериклик шартларида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари бўйидаги ҳудудларни ободонлаштириш бўйича мажбуриятлар қабул қилган ҳолда Танлов комиссиясига ариза беради. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўгрисидаги гувоҳноманинг ёки тегишли давлат органи томонидан берилган юридик шахс жойлашган жойдаги мамлакатда расман рўйхатдан ўтказилганликни тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатнинг нусхаси;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ариза берувчида молиявий имкониятлар мавжудлигини тасдиқлайдиган хусусий шерикда соф активлар тўгрисидаги маълумотлар;

инвестиция лойиҳаси;

инвестиция лойиҳасининг дастлабки техник-иктисодий қўрсаткичлари;

ариза берувчининг аризаси Танлов комиссиясида кўриб чиқилиши учун ариза берувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг бюджетдан ташқари маҳсус ҳисоб рақамига йигим тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат.

66. Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари бўйидаги ҳудудларни ободонлаштириш бўйича мажбуриятлар қабул қилинган ҳолда рўйхатда назарда тутилган йўл участкаларида йўл бўйи инфратузилма объектлари қуриш лойиҳасини амалга ошириш тўгрисида ариза тушиши хусусий ташабbus ва танлов ўтказиш учун асос ҳисобланади.

Ариза Танлов комиссияси томонидан у тушган кундан бошлаб ўн кун мобайнида кўриб чиқилади.

Аризани кўриб чиқиш якунлари бўйича Танлов комиссияси қуидаги карорлардан бирини қабул қиласди:

танлов эълон қилиш тўғрисида;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишни рад этиш тўғрисида;

талаблар бузилишини бартараф этиш учун аризани қайтариш тўғрисида.

67. Тушган ариза кўриб чиқилгандан кейин Танлов комиссияси танлов эълон қиласди.

68. Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда қуидаги маълумотлар мавжуд бўлиши керак:

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг танлов ўтказиш учун масъул бўлган бўлинмасининг номи ва юридик манзили, алоқа қилинадиган телефон ва электрон почта манзили;

объектнинг номи, жойлашган жойи, сони, тавсифи;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш шартлари;

талаб этиладиган инвестиция мажбуриятларининг минимал ҳажми;

танлов ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

танлов таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати (кун ва соат кўрсатилган ҳолда).

69. Танловда иштирок этиш учун юридик шахс (инвестор ва/ёки тадбиркорлик субъекти) ушбу Вақтинчалик низомнинг 65-бандида назарда тутилган хужжатларни тақдим этади.

70. Танлов иштирокчиси қуидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорликлика эга бўлмаслиги;

манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган давлат томонидан шерикка нисбатан бевосита ёки билвосита муносабатда бўлмаслиги.

Қайта ташкил этиш, тугатиш ва/ёки банкротлик босқичида турган, шунингдек, мол-мулки хатлов қилинган талабгорларнинг танловда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

71. Танлов таклифи давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун энг мақбул деб эътироф этилган иштирокчи танлов ғолиби деб эътироф этилади.

Танлов якунлари бўйича таклифининг параметрлари танлов шартларига мувофиқ бўлган, бироқ танлов хужжатларига мувофиқ ғолиб томонидан таклиф этилган параметрлар даражасидан паст бўлган захирадаги ғолиб аниқланади.

Танлов ғолиби ушбу Вақтинчалик низомнинг 77-бандида назарда тутилган муддатларда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни имзолашни рад этган тақдирда битим захирадаги ғолиб билан тузилади.

72. Куйидаги асослар бўйича давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш рад этилиши мумкин:

ложиҳа умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари бўйидаги худудларни ободонлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат

қўмитаси томонидан тасдиқланган умумий талабларга мувофиқ эмас;

таклиф этилаётган йўл участкасида лойиҳани амалга оширишнинг техник имкониятлари мавжуд эмаслиги;

агар таклиф этилаётган йўл участкасида давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш бўйича танлов ўtkазилган, унинг якуnlари бўйича юридик шахс (инвесторлар ва/ёки тадбиркорлик субъектлари) томонидан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари бўйидаги худудларни ободонлаштириш бўйича мажбуриятлар қабул қилинган ҳолда хусусий шерик билан йўл бўйи инфратузилма объектлари куриш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича битим имзоланганд бўлса.

73. Ушбу Вақтинчалик низом талаблари бузилган ҳолда ариза берилган тақдирда хужжатлар ариза берувчига бир иш куни мобайнида қайтарилади.

Тақдим этилган аризада аниқланган талаблар бузилиши тўғрисидаги билдиришнома ариза берувчига ёзма шаклда, шу жумладан, аниқланган қоида бузилишлар, қонун хужжатларининг аниқ нормалари ва ариза берувчи кўрсатиб ўтилган қоида бузилишларини бартараф этиб хужжатларни тақроран кўриб чиқиши учун Танлов комиссиясига тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда бутунжаҳон Интернет тармоғи орқали электрон шаклда топширилади (юборилади).

Ариза берувчи қоида бузилишларини бартараф этиб ва тақроран кўриб чиқиши учун хужжатларни тақдим этишга ҳақли бўлган муддат ёзма ёки электрон билдиришнома олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Тақроран берилган хужжатлар ариза тақроран берилган кунда қабул қилинган деб ҳисобланади. Ариза тақроран кўриб чиқилганлиги учун йигим ундирилмайди.

74. Танловнинг фақат бир нафар иштирокчисидан ариза тушган тақдирда танлов ўtkазилмайди, қарор эса иштирокчининг аризасини ва аризага илова қилинадиган хужжатларни ўрганиш якуnlари бўйича танлов тўғрисида эълон берилган пайтдан бошлаб ўттиз кунлик муддат тамом бўлгандан кейин беш иш куни мобайнида қабул қилинади. Қарор ариза берувчининг таклифи танлов талабларига мувофиқлигидан келиб чиқиб қабул қилинади.

75. Танлов комиссияси танлов якуnlари тўғрисида қарор қабул қилинган кунда Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг расмий веб-сайтида, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг веб-сайтларида, шунингдек, маҳаллий оммавий ахборот воситаларида расмий ахборотни жойлаштириш йўли билан танлов иштирокчиларини унинг натижаларидан хабардор қилиши шарт.

76. Танлов иштирокчиси қабул қилинган қарордан норози бўлган тақдирда қарор устидан судга шикоят қилиш хуқуқига эга.

77. Танлов комиссиясининг ижобий қарори асосида у қабул қилинган кундан бошлаб йигирма кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ва хусусий шерик қонун хужжатлари ва ушбу Вақтинчалик низом талабларига риоя қилган ҳолда битим тузадилар.

78. Битим уни амалга ошириш шаклларига боғлиқ равишда қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

объект ва хусусий инвестициялар ҳажми;

битимнинг амал қилиши муддати ва шартлари;

битим объектини фойдаланишга топшириш муддатлари;

томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, пудрат ишларига шартномалар тузиш муддатлари, молиялаштириш манбалари, лойиҳани амалга ошириш жадваллари, лойиҳа амалга оширилиши устидан техник назорат қилиш ва мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва ҳолатини назорат қилиш тартиби;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида бериладиган обьектлар сифатига қўйиладиган талаблар;

хусусий шерик томонидан унинг мажбуриятлари бажарилиши тўғрисида ҳисботлар тақдим этилиши тартиби ва муддатлари;

битим томонлари ўртасида битимнинг бажарилиши билан боғлиқ хавф-хатарни тақсимлаш тартиби ва шартлари;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси томонидан хусусий шерикка берилаётган йўл ва (ёки) йўл бўйи участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби;

битим обьектини лойиҳалаштириш, қуриш, фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, модернизация қилиш тартиби;

битимнинг амал қилиши тўхтатилгандан кейин обьектга бўлган ҳуқуқларни ва битимни ижро этиш жараёнида яратилган бошқа мо-мулкни тақсимлаш ҳуқуқи;

битим шартларига риоя этилмаганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби;

битимни бекор қилиш тартиби, шунингдек, битим муддатидан олдин бекор қилиниши натижасида зарар етказилганлиги учун компенсация тўлаш ва зарарларни қоплаш тартиби;

хусусий шерик томонидан мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки зарур тарзда бажарилмаганлиги учун жарималар;

битимни амалга оширишда юзага келадиган низоларни ҳал қилиш тартиби.

Битимда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шартлар ҳам бўлиши мумкин.

79. Битимни имзолашга тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси танлов тугалланган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида хусусий шерикка битим лойиҳаси матнини тақдим этади.

80. Зарурат бўлганда, битим қоидаларини келишиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси билан хусусий шериклар ўртасида музокаралар ўтказилади.

81. Битим Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ва хусусий шерик ўртасида томонлардан ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади.

Битим томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради ва унинг муддати тамом бўлгунгача ёки бекор қилингунгача амал қиласди.

82. Битимга ўзгартириш ва қўшимчалар қуидаги ҳолларда киритилиши мумкин:

томонларнинг ўзаро розилиги билан;

томонларнинг шартномавий муносабатлари юзасидан йўл ҳаракати хавфсизлигини тартибга солиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ўзгаришлари муносабати билан – Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг талаби билан;

суднинг қарори билан.

83. Битим қуидаги ҳолларда бекор қилинади:

томонларнинг ўзаро розилиги билан;

хусусий шерик банкрот бўлган ва/ёки тугатилган тақдирда;

хусусий шерик томонидан ўз мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда – Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг талаби билан;

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси томонидан ўз мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда – хусусий шерикнинг талаби билан.

Ушбу банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда битим суд тартибида бекор қилинади.

84. Битим унинг амал қилиш муддати тамом бўлгач тўхтатилади.

Битимнинг амал қилиш муддатининг тамом бўлиши томонларни унинг шартлари бузилганлиги учун жавобгарликдан озод қilmайди.

85. Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар тушмаган тақдирда танлов тақроран эълон қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишган ҳолда танлов талаблари ва шартларини қайта кўриб чиқишига ҳақлидир.

6-боб. Якунловчи қоидалар

86. Давлат-хусусий шериклик шартларида хусусий шерикка берилган йўл ёки ер участкасида объектларни лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланишга топшириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

87. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим томонларидан бири қайта ташкил этилган тақдирда, агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ёхуд давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим шартларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворисларга ўтади.

88. Ушбу Вақтинчалик низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва замонавий йўл инфратузилмасини ташкил этиш соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги вактингчалик низомга
1-илова

Йўл ҳаракати мониторинги ва интеллектуал видеокамераларнинг интеграциялашган тизимларини жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	ИИВ, КР Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	<p>1. ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун йўл участкалари рўйхатини тасдиқлаш (янгилаш).</p> <p>2. Рўйхатни ИИВ, ДХШни ривожлантириш агентлиги веб-сайтларида, маҳаллий ОАВда, «Постда» ва «На посту» газеталарида эълон қилиш.</p>	Ҳар чоракда
2-босқич	ДХШни амалга оширишда иштирок этиш хоҳишини билдирган юридик шахс (инвестор ва/ёки тадбиркорлик субъекти)	Ариза ва тегишли ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси ИИВ хузуридаги Танлов комиссиясига тақдим этиш.	Субъектнинг хоҳишига кўра
3-босқич	Ўзбекистон Республикаси ИИВ хузуридаги Танлов комиссияси	<p>1. Аризаларни кўриб чиқиш ва танлов эълон қилиш.</p> <p>2. Ҳужжатлар қонун ҳужжатлари талаблари бузилган ҳолда тақдим этилган тақдирда уларни ариза берувчига қайтариш.</p> <p>3. Коида бузилишларини бартараф этиш ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиш учун муддатни белгилаш.</p> <p>4. Такрорий танловни эълон қилиш.</p>	<p>Ўн кун мобайнида</p> <p>Бир иш куни мобайнида</p> <p>Камида ўн иш кунида</p> <p>Аризалар мавжуд бўлмагандага</p>
4-босқич	Ўзбекистон Республикаси ИИВ хузуридаги Танлов комиссияси	<p>1. Танловни ўтказиш.</p> <p>2. Танлов голибини ва захирадаги ғолибни аниқлаш.</p> <p>3. Агар ариза фақат бир иштирокчидан тушган бўлса, унинг ҳужжатларини ўрганиш натижалари бўйича танлов ўтказмасдан қарор қабул қилиш.</p>	<p>Бир ой мобайнида</p> <p>Беш иш куни мобайнида</p> <p>30 кунлик муддат ўтганидан сўнг</p>
5-босқич	Ўзбекистон Республикаси ИИВ хузуридаги Танлов комиссияси	<p>1. Танлов иштирокчиларини унинг натижалари ҳақида хабардор қилиш.</p> <p>2. Танлов натижалари ҳақидаги маълумотни Ўзбекистон Республикаси ИИВ расмий веб-сайтида жойлаштириш.</p>	Қарор қабул қилинган кунда
6-босқич	ИИВ, хусусий шерик	<p>1. Хусусий шерикка битим лойиҳаси матнини бериш.</p> <p>2. ДХШ ҳақидаги битимни тузиш.</p>	<p>Уч иш куни мобайнида</p> <p>Йигирма кун мобайнижа</p>

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва
замонавий йўл инфратузилмасини ташкил этиш
соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги
вақтингчалик низомга
2-илова

**Пуллик автомобиль тўхташ жойлари ва пуллик автомобиль сақлаш
жойларини ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	ҚР Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ИИВ, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси	1. ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун йўл участкалари рўйхатини тасдиқлаш (янгилаш). 2. Рўйхатни ҚР Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ДХШни ривожлантириш агентлиги веб-сайтларида ва маҳаллий ОАВда эълон қилиш.	Ҳар чоракда
2-босқич	ДХШни амалга oshiришда иштирок этиш хоҳишини билдирган юридик шахс (инвестор ва/ёки тадбиркорлик субъекти)	Ариза ва тегишли ҳужжатларни ҚР Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хузуридаги Танлов комиссиясига тақдим этиш.	Субъектнинг хоҳишига кўра
3-босқич	ҚР Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хузуридаги Танлов комиссияси	1. Аризаларни кўриб чиқиш ва танлов эълон қилиш. 2. Ҳужжатлар қонун ҳужжатлари талаблари бузилган ҳолда тақдим этилган тақдирда уларни ариза берувчига қайтариш. 3. Қоида бузилишларини бартараф этиш ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиш учун муддатни белгилаш. 4. Такрорий танловни эълон қилиш.	Ўн кун мобайнида Бир иш куни мобайнида Камида ўн иш кунида Аризалар мав- жуд бўлмагандага
4-босқич	ҚР Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хузуридаги Танлов комиссияси	1. Танловни ўтказиш. 2. Танлов ғолибини ва захирадаги ғолибни аниқлаш. 3. Агар ариза фақат бир иштирокчидан тушган бўлса, унинг ҳужжатларини ўрганиш натижалари бўйича танлов ўтказмасдан қарор қабул қилиш.	Бир ой мобайнида Беш иш куни мобайнида 30 кунлик муддат ўтганидан сўнг
5-босқич	ҚР Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хузуридаги Танлов комиссияси	1. Танлов иштирокчиларини унинг натижалари ҳақида хабардор қилиш. 2. Танлов натижалари ҳақидаги маълумотни ҚР Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари расмий веб-сайтларида жойлаштириш.	Қарор қабул қилинган кунда
6-босқич	ҚР Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хусусий шерик	1. Хусусий шерикка битим лойиҳаси матнини бериш. 2. ДХШ ҳақидаги битимни тузиш.	Уч иш куни мобайнида Йигирма кун мобайнида

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва замонавий йўл инфратузилмасини ташкил этиш соҳасида давлат-хусусий шериклик тўгрисидаги вактингчалик низомга
З-илова

Юридик шахс (инвестор ва/ёки тадбиркорлик субъекти) томонидан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари бўйидаги ҳудудларни ободонлаштириш мажбуриятлари қабул қилинган ҳолда йўл бўйи инфратузилма объектларини куриш лойиҳаларини амалга ошириш

СХЕМАСИ

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	1. ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун йўл участкалари рўйхатини тасдиқлаш (янгилаш). 2. Рўйхатни Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, ҚР Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ДХШни ривожлантириш агентлигининг расмий веб-сайтларида ва маҳаллий ОАВда эълон қилиш.	Ҳар чоракда
2-босқич	ДХШни амалга оширишда иштирок этиш хоҳишини билдирган юридик шахс (инвестор ва/ёки тадбиркорлик субъекти)	Ариза ва тегишли ҳужжатларни Автомобиль йўллари давлат қўмитаси хузуридаги Танлов комиссиясига тақдим этиш.	Субъектнинг хоҳишига кўра
3-босқич	Автомобиль йўллари давлат қўмитаси хузуридаги Танлов комиссияси	1. Аризаларни кўриб чиқиш ва танлов эълон қилиш. 2. Ҳужжатлар қонун ҳужжатлари талаблари бузилган ҳолда тақдим этилган тақдирда уларни ариза берувчига қайтариш. 3. Қоида бузилишларини бартараф этиш ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиш учун муддатни белгилаш. 4. Такрорий танловни эълон қилиш.	Ўн кун мобайнида Бир иш куни мобайнида Камида ўн иш кунида Аризалар мавжуд бўлмагандага
4-босқич	Автомобиль йўллари давлат қўмитаси хузуридаги Танлов комиссияси	1. Танловни ўтказиш. 2. Танлов ғолибини ва захирадаги ғолибни аниқлаш. 3. Агар ариза факат бир иштирокчидан тушган бўлса, унинг ҳужжатларини ўрганиш натижалари бўйича танлов ўтказмасдан қарор қабул қилиш.	Бир ой мобайнида Беш иш куни мобайнида 30 кунлик муддат ўтганидан сўнг
5-босқич	Автомобиль йўллари давлат қўмитаси хузуридаги Танлов комиссияси	1. Танлов иштирокчиларини унинг натижалари ҳақида хабардор қилиш. 2. Танлов натижалари ҳақидаги маълумотни Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг расмий веб-сайтида жойлаштириш.	Қарор қабул қилинган кунда
6-босқич	Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, хусусий шерик	1. Хусусий шерикка битим лойиҳаси матнини бериш. 2. ДХШ ҳақидаги битимни тузиш.	Уч иш куни мобайнида Йигирма кун мобайнида